

ҮҮТ: 633.15: 631.82

## МАККАЖҮХОРИНИНГ ХАЛҚ ХҮЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Бахтигул Халмуратова**

қ.х.ф.ф.д. Қорақалпоқстон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар иниститути

**Гулимхан Жуманиязова**

Магистр. Қорақалпоқстон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар иниститути

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7227528>

**Аннотация.** Маккажүхорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва дунё дехқончилигига кўп тарқалган энг қимматли ва серҳосил экин тўғрисда қизиқарли маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** маккажүхори, азот, фосфор, калий, карбамид ҳосилдорлик силос, уруғ.

## ЗНАЧЕНИЕ КУКУРУЗЫ В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ И СПОСОБЫ КОРМЛЕНИЯ

**Аннотация.** Приведены интересные сведения о значении кукурузы в народном хозяйстве как наиболее ценной и урожайной культуре, широко используемой в мировом сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** кукуруза, азот, фосфор, калий, мочевина, выход силоса, посевной материал.

## THE IMPORTANCE OF CORN IN THE NATIONAL ECONOMY AND WAYS OF FEEDING

**Abstract.** Interesting information is given about the importance of corn in the national economy and the most valuable and fruitful crop widely used in world agriculture.

**Key words:** corn, nitrogen, phosphorus, potassium, urea yield silage, seed.

### КИРИШ

Маккажүхорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти юқори бўлиб, дон ва яшил масса учун кенг майдонларда экиладиган муҳим маданий ўсимлик ҳисобланади. Сўнгги йилларда бир қанча саноат соҳаларида фойдаланилиши билан бирга, озиқ-овқат ҳамда чорва ҳайвонлари учун тўйимли озуқабоп экин сифатида фойдаланишда маккажүхорининг аҳамияти янада ортган.

Маккажўхори дунё дехқончилигига кўп тарқалган энг қимматли ва серҳосил экин ҳисобланиб, донли экинлар орасида умумий дон ҳосили бўйича иккинчи, экин майдони бўйича учинчи ўринда туради. Маккажўхори бошқа донли экинларга қараганда ҳосилдорлиги ва озуқавийлигининг юқорилиги билан устун туради.

Ем-хашак учун маккажўхорининг дони ва пояси ишлатилади. Унинг дони жуда тўйимли (1 кг маккажўхори дони 1,34 кг озуқа бирлигига эга) ҳисобланиб, чорва ҳайвонлари ва паррандаларга бутунлигicha ёки ёрма (майдаланган) ҳолида берилади. Маккажўхорининг пояси молларга яшил ҳолича берилади, ундан хашак ҳамда дони суттум пишиш даврида ўрилганда эса юқори сифатли силос тайёрлаш мумкин. Маккажўхори силосининг бир килограмми тўйимлилиги жиҳатидан 0,20-0,25 озуқа бирлигига, сўтаси билан бирга бостирилганда эса 0,40 озуқа бирлигига teng бўлади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маккажүхори экиш учун ер кузда шудгор қилинади. Тупроқнинг хусусиятига қараб шудгорлаш чуқурлиги 28 – 30 см ва ундан ҳам чукур бўлиши мумкин. Маккажүхори ер танламайди. Уни ҳар қандай экиндан бўшаган ерга экиш мумкин. Маккажүхорига ғўза, дон ва айниқса, дон – дуккакли экинлар яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Маккажүхорини маккажүхоридан кейин ва уни тақрорий экин сифатида экилганда ҳам яхши натижа беради. Маккажүхорини парвариш қилиш тупроқ қатқалоғига қарши кураш, қатор ораларини ишлаш, ягоналаш, озиқлантириш, суғориш ва уруғлик майдонларида қўшимча чанглашдан иборат. Маккажүхорини экишдан олдин микроэлементлардан Си ва Со га озгина туйинтириб олиб экилганда яхши униб чиқиши кузатилди.

Маккажүхори озиқланиш ва ривожланиш даврини иккита муҳим босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ: 5-7 барг ва 9-10 барг чиқариш давридан то попук чиқаришгача бўлган давр. Маккажүхорининг биринчи ривожланиш даврида репродуктив органлари шаклланади. Келажакдаги хосилнинг юқори бўлиши биринчи даврдаги озуқа моддалари, айниқса фосфор моддасига жуда боғлиқdir. Ушбу даврда маккажүхори нимжон бўлиб ўсади, озуқа моддаларидан кам фойдаланади. Илдиз системаси кучсиз ривожланган ва ердаги озуқа моддаларини яхши ўзлаштира олмайдиган бу даврда, осон ўзлаштириладиган моддалар, айниқса фосфор билан таъминлаш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Маккажүхори униб чиққандан сўнг 10-15 кун ўтиб, унинг фосфорга бўлган талаби критик нуқтага етади. Фосфор моддаси илдиз системасини ривожлантириб, маккажүхорининг кўпроқ озуқаланишига ва репродуктив органларининг шаклланишига олиб келади. Маккажүхорини 5-7 барг чиқарганидан сўнг баргидан озиқлантиришни бошлиш керак. Озиқлантириш 3 хафта давомида, ҳар хафта 2 мартадан, ОВХ ёки кўл пуркагичларида амалга ошириш керак бўлади. Бу даврда маккажүхори фосфор моддаси ва микроэлементларга жуда талабчан бўлади. Ушбу даврда карбамиднинг 4 % лик эритмасида (100 литр сувга 4 кг карбамид) баргдан озиқлантириш ҳам яхши натижа беради. Баргдан озиқлантириш эрталаб ва кечки пайт, 20 ° С даражадан баланд бўлмаган ҳароратда амалга оширилса таркибдаги азотни ўзлаштириш осон бўлади. Бунда таркибдаги азотнинг 90-95 % и тез ва осон ўзлаштирилади. Карбамид билан баргдан озуқани пестицид ва турли микроўғитлар билан биргалиқда қўллаш кимёвий воситалар таъсирини ошириб, улар келтириб чиқарадиган стрессли омиллардан асрайди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ВА МУҲОКАМА

Маккажүхори донинг таркибида 65-70% углевод, 4-8 % мой, 8-12% белок ва минерал тузлар бор. Яшил поясида 10 -18% куруқлай элементлар, 0, 2-3% май, 0,4-0, 7 % белок, 4% қант ва 6 -10 % крахмал бор. Ўзбекистонда асосан яшил масса ва дон учун экилади. Маккажүхори дони барча турдаги ҳайвонлар ва қушлар учун жуда туйимли озиқа ҳисобланади. Унинг таркибида ўртacha 10,6 % белок, 69,2 % азотсиз экстрактив элементлер, 4,3 % май, 1,4 % кул елеменлар болады. Тўйимлилиги тарфдан маккажүхори дони бошқа дони экинлардан юқори туради.

Маккажүхорининг иккинчи ривожланиш даври жадал ўсиш даври ҳисобланаб, 17-20 сутка давом этади. Ушбу қисқа давр мобайнида ўсимликнинг асосий массаси шаклланиб, озуқа моддалардан азот ва фосфорнинг умумий миқдоридан 50 %, калийнинг эса 70 % ни

ўзлаштиради. Ушбу давр азотли ўғитга кескин талабчан давр хисобланади. Бу даврда ўсимликни азот билан таъминлаш самарали хисобланади.

Маккажўхори попук чиқариб, гуллаш ва сут тўлиш даврида калийга талаби ошади. Минерал ўғитлар ривожланиш даврининг турли фазаларида қўлланилади. Уруғ экишдан 10-14 кун олдин фосфорли ўғитларнинг 100 % ни, маккажўхорининг 1-ривожланиш даврида азотли ўғитнинг 20%, 2-ривожланиш даврида эса 80% ни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ХУЛОСА

Ҳозирги вактда уруғликни ҳар бир хўжаликда тайёрлаш мумкин. Бу ҳолда маккажўхори уруғлари экиш давригача сўтада сақланиши керак. Сақлаш даврида буларнинг намлиги 14-15% дан ошмаслиги шарт. Экишга 10-15 кун қолганда сўталар янчиб олинади. Экиш учун сўтанинг ўрта қисмидаги донлар ишлатилади. Сўтанинг остки ва устки (уч) қисмидаги донлари бир хил катталиқда бўлмаганлиги сабабли уларнинг униб чиқиш даражаси паст бўлади. Экиладиган уруғнинг тозалиги 99-99,8 %, униб чиқиш даражаси 85-95% бўлиши тавсия этилади.

## REFERENCES

1. Массино И. В., Азизов К. К., Бобоев Ф. Г., Еденбаев Д., Қодирхонов С. Й., Тохирбоева Д. У., Норматова Г. Ф., Сиддиқов Р. И., “Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида маккажўхори дурагайларини етиштириш бўйича қўлланма”, Тошкент, 2018, - 46 б.
2. 2.Массино И. В., Еденбаев Д., Бобоев Ф. Г., Азизов К. К. “Маккажўхори, оқ жўхори ва Африка қўноғи экинларида илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича услубий қўлланма (селекция, уруғчилик ва технология)”, Тошкент, 2017, - 28 б.
3. 3.Arzimov A. «Qaraqalpaqstanda mákke jetistiriw». Broshyura